

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШНИНГ ҮЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Чўпонов Сарвар Мирзоҳид ўғли
ИИВ Академияси З босқич курсанти

Аннотация: Муаллиф ушбу илмий мақолада жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институтининг шаклланиши ва ривожланиши, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институтининг ҳорижий мамлакатлардаги ўрни ҳамда роли, шунингдек жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институтининг үзига хос хусусиятлари, уни ҳорижий мамлакатларда қўлланиш жиҳатлари, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институтининг бугунги кундаги ҳолати, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институтининг камчиликлари ва уларни бартараф қилиш ва ушбу соҳани такомиллаштириш борасида айрим таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқган.

Калит сўзлар: Жиноят, жиноят содир этиш, ихтиёрий қайтиш, ихтиёрий рад этиш, тамом бўлмаган жиноят, ҳукуқий оқибат.

Маълумки, Республикаизда ҳар бир соҳани тубдан такомиллаштириш, барча давлат органлари халқ манфаатлари учун хизмат қилиши, давлатимизда “Инсон қадрини улуғлаши” борасида Президентимизнинг амалга ошираётган ишлари, чиқарилаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари натижаси ўралоқ энг асосий соҳалардан бир суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган модернизация жараёнларида инсон, унинг манфаатлари, ҳукуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу миллий қонунчилигимизда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Жиноят ҳукуқининг вазифаларидан бири жиноятчиликнинг олдини олишdir. У турли жиноий-ҳукуқий воситалар ва механизmlар орқали ҳал қилинади, улардан бири жиноятдан ихтиёрий воз кечиш институтидир. Конун ҳужжатларида жиноятдан ихтиёрий воз кечиш институтининг мавжудлиги давлат билан жиноий-ҳукуқий зиддиятга киришган шахсга жиноятни тутатишдан зудлик билан бош тортиши ва жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун ҳукуқий имконият беришдан иборат.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишниг асосий вазифаси жиноятни олдини олиш ва уни тўхтатишдан иборатdir. Бошланган жиноий фаолиятни тўхтатиб, жиноий жавобгарликдан қутулиш имкониятларининг қонунда мустахкамланиши шахсни ўз жиноий ниятини якунлашдан бош тортишга рағбатлантиради.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институти назарий таҳлилига тўхталишдан олдин, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчасига тўхталиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Чунки ушбу институтни таҳлил қилиш учун албатта жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш тушунчесининг туб моҳиятига етиб бориш лозим хисобланади.

Муайян холларда жиноят содир этишни бошлаган ва уни тамомлаш учун барча зарур имкониятларга эга бўлган шахс уни содир этишдан қайтадиган

бўлса, бу жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб топилади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш- ижтимоий хавфли, қонунга хилоф ва айбли қилмишни содир этишдан ўзини тийган ва муайян жиноий оқибатлар қелиб чиқишининг олдини олган шахс ҳулқ-атворининг қонуний харакатидир. Шахс бошланган жиноий фаолиятини (жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга қасд қилишни) охирига етказиши мумкинлигини англаган холда ихтиёрий ва узил-кесил тўхташи жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий оқибати унинг жиноий жавобгарликни истисно қилиши. Мисол учун, шахс одам ўлдириш учун ўқотар қурол тайёрлайди, аммо одам ўлдиришни охирига етказишдан ихтиёрий қайтади. Бундай холатларда мазкур шахс одам ўлдиришга тайёргарлик кўргани учун жиноий жавобгарликка тортилмайди, лекин ўқотар қуролни қонунга хилоф равища эгаллаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий бош тортиш - бу шахснинг жиноятга тайёргарлик кўришни тугатиши ёки бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тугатиш, агар шахс жиноятни тугатиш имкониятини англаб етган бўлса жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш хисобланади ва жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш факат тамом бўлмаган жиноятга, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни содир этишга қасд қилиш босқичида бўлиши мумкин. Ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий ўзига хос томони жиноий оқибат ва жавобгарликнинг вужудга келмаслигидир. Амалда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш шахс тайёргарлик ҳаракатларини ёки муайян жиноятни содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни бевосита тўхтатишида ифодаланади. Шу сабабли Ўзбекистон республикаси Жиноят кодекси 26-моддасининг иккинчи қисмида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганлик учун жавобгарлик белгиланмаганлиги кўрсатилган. Бинобарин жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш охирига етказилмаган (бошланган, лекин тугалланмаган) жиноят учун жавобгарликни шубҳасиз истисно қилувчи холат хисобланади ва жавобгарликни енгиллаштирувчи холат деб қаралиши мумкин, эмас.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий бош тортиш, назарда тутилган қилмишни содир этганлик учун жавобгарликка тортишни истисно қиласди. Бирок, агар айборд асосий жиноий ниятни амалга оширишдан воз кечгунга қадар, тугалланмаган жиноий фаолият давомида баъзи ижтимоий хавфли қилмишларни содир этишга муваффақ бўлса (масалан, қуролни ноқонуний равища қўлга киритган бўлса), у бунинг учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ихтиёрий равища рад этилган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб, шахснинг ҳаракатларида жиноят таркибининг юклиги хисобланади: бу ҳолатда тайёргарлик ёки суиқасд таркиби мавжуд эмас, чунки бу элементлар мажбурий хусусият сифатида жиноят содир этиш жараёнининг узилишини ўз ичига олади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда қуидаги шартлар мавжуд бўлиши керак:

- А) шахсда жиноятни охирига етказиш имкони бўлишини англаши ;
- В) жиной оқибат келиб чиқишини англаган холда унинг олдини олингандигини.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш иккита асосий аломат: ихтиёрийлик ва узил кесиллик билан тавсифланади.

Ихтиёрийлик деганда, шахснинг бошлаган жиной хатти- харакатини ўз хохиши билан хеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказиш имконини англаган холда тўхтатиши тушунилади. Бундай қайтишнинг мотиви турлича (уалиш, фарзандлари тағдири хақида ўйлаш, жабрланувчига раҳми келиш), шунингдек қариндош ва дўстларининг маслаҳатлари натижасида бўлиши мумкин. Мотив қандай бўлмасин, шахс ўз хохиши билан жиноятдан қайтган бўлса, жиной жавобгарликка тортилмайди. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш хар доим субектнинг эркин хохиш-иродаси натижасида келиб чиқсан бўлиши керак.

Ихтиёрий қайтишнинг муҳим шартларидан бири - бу шахснинг жиноятнинг жиноятни давом эттириши ва якунига етказишига имкони борлигини англаради. Шу шартларсиз шахс агар ўзига боғлиқ бўлмаган холатларга қўра, жиноятни якунига етказа олмаса ёки уни содир этишга қодир бўлмаса, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳолашга асос бўлмайди. Масалан, агар шахс қасдан одам ўлдириш жиноят содир этишда харакат қилса, лекин атрофда одамларнинг борлиги, куролнинг яроқсизлиги туфайли қилмишни содир этмаса, бу ихтиёрий қайтиш хисобланмайди. Демак мазкур холатда жиноят содир этиш учун имкониятнинг йўқлиги жиноя содир этишдан ихтиёрий қайтиш хисобланмайди, балки жиноий харакатини тўхтатиши жиноятчи мажбур бўлади. Шахс ўзи бошлаган жиноятни охирига етказиш имкониятини истисно қилувчи ўтиб бўлмас тўсиқлар мавжуд деб (хаттоки, янглишиш), қараши жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ихтиёрий эмас, балки мажбурий бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун, шахс ўзганинг мол-мулкини талон тарож қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда кирган уйда ўзига нотаниш мосламанинг сигнализация воситаси, деб ўйлаб уйни тарк этади. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 31-моддасига қўра, агар шахс ўз ихтиёри билан ва ниҳоят ушбу жиноятни тугатишдан бош тортса, жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноят содир этишдан охиригача ихтиёрий равишда бош тортган шахс, агар у ҳақиқатда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркиби бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади. Ихтиёрий рад этиш фақат жиноят тугагунга қадар мумкин. Рад этишнинг ихтиёрийлиги шахснинг кейинги жиноий фаолиятини тугатиш имкониятини англаган холда тўхтатганлигини англаради. Айбдор шахснинг иродасига қарши келиб чиқадиган сабабларга қўра жиноий харакатни кейинги давом эттиришининг иложи йўқлиги билан боғлиқ бўлган рад этиш ихтиёрий ва демак, жавобгарликни бартараф этиш деб

топилиши мумкин эмас. Агар жиноятдан ихтиёрий воз кечиш вақтида бошқа жиноят таркибини ўз ичига олган қилмиш содир этилган бўлса, шахс бундай қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилади. Қонунда ташкилотчини, жиноятга қўзгатувчини жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асослар алоҳида белгилаб қўйилган. Бундай шахслар, агар улар ҳокимиятни ўз вақтида хабардор қилиш ёки кўрилган бошқа чоралар билан айбдорни жиноятни охирига этказишига тўсқинлик қилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноятга шерик, агар у жиноят содир этилишининг олдини олиш учун ўз ваколатлари доирасида барча чораларни кўрган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Агар ташкилотчи ёки қўзгатувчининг ҳаракатлари айбдор томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишга олиб келмаса, улар томонидан кўрилган чоралар суд томонидан жазо тайинлашда энгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят кодекси. 2023 йил
2. Жиноят протессуал кодекс. 2023 йил
3. Жиноят процессуал кодексига шарҳ. 2018 йил.
4. Жиноят хуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқ. - Т., 2004. – Б. 172.
5. Жиноят хуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ А.С. Якубов, Р. Кабулов, З.С. Зарипов ва бошқ.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.- 482 б.
6. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: в 2 т. (постатейный) / А.В. Бриллиантов, Г.Д. Долженкова, Э.Н. Жевлаков и др.; под ред. А.В. Бриллиантова. 2-е изд. М.: Проспект, 2015. Т. 2.
6. Жиноят хуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқ. - Т., 2004. – Б. 172.